

Бемор кўргани борган одамга жаннатдан бир боғ ато қилиниши



11:33 / 21 июль 816

هُلِّلَا يَضَرَّ عَزِيْرُهُ يَا نَع
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبْنُلَا نَع ، هُنَّع
قَح : لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع
مَلْسُمْلَا يَلَع مَلْسُمْلَا
ةَدَايَعُو ، مَالْسَلَا دَر : سُمَخ
، زِيْءَانَجْلَا عَابَّتَاو ، ضِيْرَمْلَا
تِيْمُشَتَو ، ةُوْعَدَلَا ةَبَاچَاو

هُسْمُ خُلَا ءَاوَرِ سِطَاغُلَا

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Мусулмоннинг мусулмондаги ҳаққи бештадир: саломга алик олиш, беморни кўриш, жанозага эргашиш, даъватига жавоб бериш ва акса урувчига яхшилик тилаш», дедилар».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган нарса беморни кўришдир. Бемор бўлган мусулмоннинг бошқа мусулмонлар устидан ҳаққи бор. У ҳам бўлса, улар келиб, беморни зиёрат қилиб, кўнгил сўраб, ҳаққига дуо қилиб кетишлари экан.

Ушбу ҳадиси шарифнинг ҳукмига биноан, бемор бўлган мусулмон ҳақида хабар эшитган бошқа мусулмонлар уни бориб, кўришлари бемор олдидаги бурчлари ҳисобланар экан. Шунинг учун ҳам қайси бир дин қардошимизнинг бемор бўлганини эшитсак, уни кўргани боришга шошилишимиз лозим. Ўша биродаримизнинг биздаги ҳаққини адо этишимиз уни бориб кўриб, кўнгил сўраб, ҳаққига дуо қилишимиз билан бўлади.

هَسْمُ خُلَا ءَاوَرِ سِطَاغُلَا
هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ هِيَبَا نَع
لَاقِ يَدِي بِيْلَعِ دَخَا لَاقِ
نَسَخُلَا لَلَا أَنَبُ قَلَطْنَا
أَبَا هَذْنَعِ أَنْدَجَوْفُ هُدُوعِن

هَيْلَعُ يَلَعُ لَاقَفُ ، يَسُومُ
أَبَا أَيَّ تَيْجِ أَدِيءَاغُ : مُمَالِّسُ لَ
ال : لَاقَفُ ؟ أَرِيءَازُ مَأْيَسُومُ
: يَلَعُ لَاقَفُ ، أَدِيءَاغُ لَبُ
يَلَصُ هَلَلُ لُؤْسَرُ تُعَمَسُ
أَمْ : لُؤْقِي مَلَسُ وَهَيْلَعُ هَلَلُ
ةً وُدُغُ أَمْ لَسُ مٌ دُوعِي مَلَسُ مٌ نَم
فَلَأُ نُوْعُبَسُ هَيْلَعُ يَلَصُ أَلِإِ
هَدَاعُ نَأُو ، يَسُومِي يَّتَحِ كَلَمُ
هَيْلَعُ يَلَصُ أَلِإِ هَيْشَعُ
يَّتَحِ كَلَمُ فَلَأُ نُوْعُبَسُ
يْفُ فَيْرَخُ هَلُ نَأَكُ وَحَبُصِي
وَبَأُو يَزْمُرَّتُ لَأُ هَأَوْرِيَّةُ نَجَلُ

Тувайр ибн Абу Фохитадан, у отасидан ривоят қилади:

«Али қўлимдан ушлаб: «Юр, Ҳасанни кўриб келамиз», деди. (Бориб), унинг олдида Абу Мусони кўрдик. Бас, Али: «Эй Абу Мусо, кўргани келдингми, ёки зиёратгами?» деди.

«Йўқ, кўргани келдим», деди Абу Мусо.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Бир мусулмон бемор мусулмонни эрталаб бориб кўрса, албатта, унга кечгача етмиш минг фаришта саловот айтади. Агар беморни кечқурун бориб кўрса, албатта, унга етмиш минг фаришта эрталабгача саловот айтади. Ҳамда унга жаннатда бир боғ бўлади», деганларини эшитганман», деди Али».

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Ушбу ривоятдан бир неча фойдалар оламиз:

1. Бемор кўргани борганда бошқа одамни ҳам таклиф қилиб, бирга бориш яхшилиги.
2. Беморни холис ният билан кўргани борган одамгина савоб олиши. Бошқа иши билан бориб, «беморни кўргани келдим», деса, ниятига яраша бўлиши.
3. Эрталаб бемор кўргани борган одамга кечқурунгача етмиш минг фаришта салавот айтиб туриши.
4. Кечқурун бемор кўргани борган одамга эрталабгача етмиш минг фаришта салавот айтиб туриши.
5. Бемор кўргани борган одамга жаннатдан бир боғ ато қилиниши.

Шунинг учун ҳам таниш-билишларнинг беморлиги ҳақида хабар эшитган одам уларни кўргани боришга шошилиши керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди